

## ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Насиров Иззатилла Суннат Ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жазони ижро  
этиш фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

**Ибрагимов Қосимбек Сулаймон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим I-ўқув курси

134-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10968153>

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф томонидан озодликни чеклаш жазосини ижро этиш тартиби, кимларга нисбатан тайинланиши, таҳлилий маълумотлари ва озодликни чеклаш жазосини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** озодликни чеклаш, жиноят, чекловлар, пробация, муайян ҳудуд, тақиқлар.

Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан суд амалиётида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар кўпроқ қўлланилаётгани, жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажралмаган ҳолда жазо ўташини таъминлаш билан бир қаотрда уни ижтимоий реабилитациясини тезлаштиради, шу билан бирга уни рецидив жиноят таъсиридан асрайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан суд томонидан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланади, яъни ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо қуйидаги мақсадда қўлланилади:


- маҳкумни ахлоқан тузатиш;

- жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш,

- маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг

олдини олиш [1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида жазо тизимида озодликни чеклаш жазоси ҳам ўрин олган.



Озодликни чеклаш жазоси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли қонуни билан Жиноят кодексига киритилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар қўлланиб келинмоқда.

Бугунги кундаги статистик маълумотда жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланиш сони ортиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 7226 нафар шахсга, 2019 йилда 7084 нафар шахсга, 2020 йилда 8791 нафар шахсга, 2021 йилда 12906 нафар шахсга, 2022 йилда 14081 нафар шахсга инсонпарварлик тамойили асосида озодликни чеклаш жазоси тайинланган [2].

Шу билан бирга, ушбу жазо ижросини таъминлашда муайян муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб уларни ечимини топиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг 3-бандида туман (шаҳар) пробацция бўлинмаларининг шахсий таркиби улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда, қоида тариқасида, бир нафар ходимга шаҳарларда — 100, туманларда — 75 нафар маҳкум ҳисобидан келиб чиқиб тақсимланиши кўрсатилган [3] бўлсада, бироқ ҳозирда тумандаги ҳар бир пробацция ходимига ўртача ҳисобда 125-130 нафар маҳкум тўғри келмоқда. Бу эса ўз-ўзидан пробацция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариши учун салбий таъсир кўрсатади.

Жиноят кодексига мазкур жазо тури ўз табиатига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо сифатида киритилган. У маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддасига кўра озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Бунда яшаш жойи деганда, маҳкумнинг доимий яшаш жойи, хонадон, ётоқхона ва доимий ёки вақтинчалик яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар тушунилиши лозим. Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга, вояга етмаганларга эса олти ойдан икки йилгача тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг пробацция ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади. Озодликни

чеклаш, уни маҳқумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Озодликдан чеклаш жазоси Жиноят кодексининг махсус қисмининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни қамраб олган моддалари санкциясида белгилаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун ЖК 109-моддаси 2-қисми(қасддан баданга енгил шикаст етказиш) санкциясида 1 йилгача озодликни чеклаш, ЖК 124-моддасининг (болани алмаштириб қўйиш) санкциясида 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган. Худди шундай жазо жиноят кодексининг бошқа кўплаб моддалари санкциясида ҳам назарда тутилган.

Қўланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳқумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳқумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Буларнинг ҳаммаси жазонинг мақсадларига самарали эришиш учун қўлланиладиган чоралар ҳисобланади. Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин. Ушбу мажбуриятларни юклаш асоси суд ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозим. Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳқумга



нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Жиноят-ижроия кодексининг 44<sup>3</sup>-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ маҳкумни унга юклатилган мажбурият (тақиқ)лардан тўлиқ ёки қисман озод этиш жазони ижро этиш идоралари тақдимномасига биноан суд томонидан ЖПК 541-моддасида [4] белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун пробация хизмати унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди [5].


Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Пробация хизмати ҳодими судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди. Қасддан бўйин товлаш деганда ўзбошимчалик билан, яъни, узрли сабабларсиз яшаш жойини тарк этиш, яшаш жойидан чиқиш вақтини бузиш, шунингдек бошқа қўшимча тақиқларни камида икки мартаба бузиш тушунилиши лозим.

Бироқ ушбу жазо тури айрим шахсларга тайинланмайди. Жумладан:

- ҳарбий хизматчилар;
- чет эл фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга.

Озодликни чеклаш жазоси жиноий жазоларни либераллаштириши муносабати билан жиноят кодексига пенализация қилинган жазо тури ҳисобланади. Шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш қайсидир маънода жиноят содир этганларга берилган енгиллик ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги” Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғриси”ги 1-сон қарори 254-банди, 2-хатбоши [6]

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят - ижроия кодекси. 44<sup>4</sup>-моддаси.

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят - ижроия кодекси. 112-моддаси.

Қуйидаги ҳавола этилаётган суд статистикасида биз ушбу жазо турининг йилдан йилга кўпроқ қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумининг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг Пробация хизмати томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.


Озодликни чеклаш муддати маҳкум Пробация хизматида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чақирув бўйича Пробация хизматига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин. Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун Пробация хизмати томонидан берилади. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумининг шахсидан, унинг хулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумининг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумининг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумининг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.



Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб этгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, этказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, Пробация хизмати илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товловчилар ҳисобланади:

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун Пробация хизмати унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Пробация гуруҳи судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Бугунги кунда республикамизда озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ижросини таъминлашда янги тизим жорий этилмоқда. Хусусан Ички ишлар вазирлиги “Уй қамоғи эҳтиёт чораси ва озодликни чеклаш жазоси қўлланилган шахсларни масофавий назорат қилиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси асосида электрон brasлет яратилди. Эндиликда, озодликни чеклаш жазоси қўлланилган шахсларнинг эҳтиёт чораси ва жазони ижро этиш жойида бўлишини реал вақт режимида масофавий назорат қилиш амалиёти 2024 йилда босқичма-босқич жорий этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, оғир жазо, айниқса, фуқароларнинг жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликни олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Амалиёт озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жиноий жазоларни қўллаш орқали жамиятда жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддасида озодликни чеклаш жазосининг мазмуни нимадан иборат эканлиги, ушбу жазонинг ким томонидан



белгиланиши, маҳкумнинг зиммасига юкланиши мумкин бўлган қўшимча тақиқлар ва мажбуриятлар ҳамда уларни бекор қилиниш асослари, шунингдек озодликни чеклаш жазосини қўллаш мумкин бўлмаган шахслар тоифаси тартибга солинган [7].

Ушбу норманинг биринчи қисмида маҳкумга тайинланиши мумкин бўлган асосий тақиқ (чеклов)лар, яъни суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклаш белгиланган.

Бундан кўришиб турибдики, озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсга нисбатан қуйидаги икки асосий тақиқ (чеклаш)нинг бири тайинланиши мумкин: 1) яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаш; 2) сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклаш.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, озодликни чеклаш жазосининг қонунда белгиланган мазкур таърифи мунозарали бўлиб, буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

**биринчидан**, нормада ишлатилган “яшаш жойи” тушунчаси қонунчиликда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаганлиги уни турлича талқин қилинишига олиб келади. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида яшаш жойи деганда, маҳкумнинг доимий яшаш жойидаги уйлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва бошқа турар жойлар тушунилиши лозимлиги қайд этилган бўлиб, ушбу қарорда қонунда ишлатилган “яшаш жойи” ибораси “доимий яшаш жойи” деб тор маънода ифодаланганлиги маҳкумнинг вақтинча турган жойида ушбу жазони ўташ имкониятини шубҳа остига қўяди. Маҳкум мамлакатнинг бир ҳудудида яшаши ва унинг яшаши учун ҳақиқий шароит мавжуд бўлмаган бошқа ҳудудда доимий рўйхатга олинган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддаси (Фуқаронинг яшаш жойи) биринчи қисмида “фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади”, деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ЖК 53-моддасида озодликни чеклаш жазоси маҳкумнинг яшаш (турар) жойида ўташ мумкинлиги ва Таиланд Қироллиги ЖК 24-моддасида маҳкум ушбу жазони ўз уйида ёки



уй эгасининг розилиги асосида бошқа шахсларнинг уйида ўташи мумкинлиги белгиланган.

**иккинчидан**, яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашда “у ёки бу сабаб билан” ва “бутунлай” сўзларини ишлатилиши мунозарали бўлиб, ушбу тақиқ белгиланган маҳкум ҳеч бир сабаб билан яшаш жойини тарк эта олмаслигини англатади. Демак, норма мазмунига кўра маҳкумнинг шошилинич тиббий ёрдам олиш зарурати (ушбу тиббий ёрдамни яшаш жойида кўрсатишнинг имкони бўлмаган ҳолларда) ёки табиий офат ёхуд бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан маҳкум яшаш жойида қолишининг иложи бўлмаган ҳолатларда ҳам маҳкумнинг яшаш жойини тарк этиши ўз-ўзидан жазони ўташ тартибини бузиш ҳисобланади.

Фикримизча, яшаш жойидан чиқишга бутунлай тақиқ белгиланганда ҳам сутканинг яшаш жойидан чиқиш чекланган вақтида ҳам юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш айрим узрли ҳолатларда маҳкумнинг яшаш жойини тарк этиши мақсадга мувофиқ ва айнан қандай ҳолатлар узрли ҳолатлар деб топилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига аниқ белгиланиши лозим.

Хулоса юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини тарк этишни тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан ташқарида бўлишни чеклашдан иборат, бўлган озодликдан маҳрум этиш жазосига муқобил жазо тури ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453> // (мурожаат вақти: 13.04.2023й.).
2. Судлар томонидан тайинланган жиной жазолар тизими 2018-2022 йил // <https://stat.sud.uz/file//> (электрон базага мурожаат вақти: 17.04.2023й.).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарор // <https://lex.uz/docs/4045443> // (электрон базага мурожаат вақти: 18.04.2023й.).
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/161253> // (мурожаат вақти: 13.04.2023й.).
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/docs/163629> // (мурожаат вақти: 13.04.2023й.).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006-йил 3-февралдаги” Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғриси”ги 1-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1455976> // (электрон базага мурожаат этилган вақти: 18.04.2023й.).
7. М.Х.Рустамбойев.“Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар”. Умумий қисм. 1-китоб Тошкент. Юридик адабиётлар публиш. 2021.
8. ўғли Насиров, И. С. (2022). Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи. Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 364-380.
9. Nasirov I. Typology of women released from penal jurisdiction //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 219-224.
10. Носиров И., Жабборов Т. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга оширишнинг тушунчаси ва моҳияти //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 361-370.

